

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун тарғиботи тадбирлари бўлиб ўтди



Амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилиши керак ва Инсон қадрини ифода этиши лозим. Бунинг учун эса фуқаролар бўлаётган ўзгаришлардан хабардор бўлиб бормоғи, қабул қилинаётган янги норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти билан танишиб бориши керак.

Бу борадаги ишларни ташкил этишда Адлия органлари ҳамда депутатлар фаоллик кўрсатишмоқда. Кунни-кеча Халқ депутатлари Термиз тумани Кенгаши котибияти ва туман Адлия бўлими билан ҳамкорликда “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун юзасидан тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

Аҳоли вакиллари, мактаб ўқитувчилари ҳамда бошқа меҳнат жамоаларида ташкил этилган тадбирларда Кенгаш котибияти мудирини Акмал Авлияқулов ва туман Адлия бўлими бошлиғини Баҳодир Ашуров қонуннинг мазмун-моҳияти тўғрисида тушунтиришлар беришди.